

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ
ВАЗИРЛИГИ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

“Шарқ мусиқаси” факультети

“Анъанавий хонандалик” кафедраси

Тожиддинов Сухроб Фахриддинович

**МАВЗУ: Тожиддин Муродов ҳаёти ва ўзига хос
ижро услуби**

5150602 – Анъанавий хонандалик таълим йўналиши

Бакалавр даражасини олиш учун

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ

Илмий раҳбар: Н.Пирматова

Тошкент 2017

Ўзбекистон Давлат консерваторияси
Бакалаврият таълим йўналишлари бўйича
Битирув малакавий иши

Мавзу

Талаба

Факультет

Гуруҳ

Консультантлар:

1.

2.

3.

4.

Илмий раҳбар

Кафедра мудири

Тошкент 2017 йил

РЕЖА

Кириш

ИБОБ. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тожиддин Муродов

1.1 Тожиддин Муродовнинг ҳаёти ва ижоди

1.2 Тожиддин Муродовнинг ўзига хос ижро услуби

П.БОБ. Бузрук мақоми

1.1 Бузрук мақоми 1-гуруҳ шубалари ҳақида

1.2 Ашула бўлимидаги намудлар ва тароналар хусусида

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

КИРИШ

Халқимиз мустақилликка эришган давр ичида фарзандларимизнинг баркамол шахс даражасига етишиши учун уларни юксак маънавият, миллий истиқлол ғояларига садоқатли инсонлар қилиб тарбиялаш алоҳида аҳамиятга эга. “Шу боисдан ҳам,- таъкидлайди Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов,-ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, ўз кучи ва имкониятига таянадиган, ён атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил ёндаша оладиган, айна замонда, шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялаш вазифаси истиқлол йилларида биз учун ҳал қилувчи масалага айланди”.*1

Ўзбек халқининг бой мусиқа меросини ўрганиш ва уни кенг омма ичида тарғиб қилиш ишлари санъатимизнинг жонкуяр ташаббускорлари – моҳир ижрочилари зиммасида бўлмоғи зарур. Чунки бизнинг давримизгача етиб келган улкан мусиқий мероснинг устоздан-шогирдга бевосита ўтишида табаррук зотлар кўприк вазифасини ўташ билан биргаликда ўзларининг ижролари билан ҳам намуна бўлганлар. Ота Жалол Носиров, Ота Гиёс Абдуғаниев, Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов, Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов, Шораҳим Шоумаров, Матюсуф Харратов, Матпано Худойберганов, Матраҳим Ёқубов(Шерозий), Юнус Ражабий, Домла Ҳалим Ибодов, Уста Олим Комилов, Мамадбува Сатторов, Жўрахон Султонов, САфо Муғанний, Ҳожихон Болтаев, Маъмуржон Узоқов, Фахриддин Содиқов, Комилжон Жабборов, Имомжон Икромов, Ғанижон Тошматов, Саиджон Калонов, Набижон Ҳасанов, Мухторжон Муртозаев, Дони Зокиров, Комилжон Отаниёзов, Матниёз Юсупов, Орифхон Ҳотамов, Фаттоҳхон Мамадалиев, Расулқори Мамадалиев ва бошқа санъат дарғалари устоздан шогирдга ўтиб келаётган асрий анъаналарни давом эттириб, ижро услубига янги мазмун, янги ғоялар билан пайванд қила олган табаррук зотлардир. Тарихга назар ташлар эканмиз, албатта ҳар бир даврда миллий мусиқа санъати ўзидан

Ўчмас из қолдирган буюк инсонлар яшаб ўтганлигининг гувоҳи бўламиз. Юқорида номлари зикр этилган, XIX аснинг иккинчи ярми ва XX асда ўзбек миллий мусиқа санъати тарихи зарварақларидан муносиб ўрин эгаллаган кўплаб улуғ санъат намоёндаларининг ҳаётлари ва ижодларининг ўрганиш, улар қолдирган меросга эътиқод ва садоқат билан ёндашишқалбида миллий ғурур бор бўлган ҳар бир мутахассис ватандошларимизнинг инсоний бурчи десак ўринли бўлади. Ҳозирги кунда анъанавий мусиқа ижрочилиги соҳасига назар ташласак, нақадар серқирра, сержило ва борган сари сайқал топиб бораётганининг гувоҳи бўламиз. 1972 йилдан бошлаб оғзаки анъанадаги ўзбек мусиқасини амалий ва назарий ўрганиш ишлари собиқ Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси(ҳозирда анъанавий ижрочилик ва шарқшунослик) кафедрасида намунали амалга оширилмоқда. Устоздан шогирдга оғзаки тарзда мерос бўлиб ўтиб келган анъанавий мусиқамизнинг бугунги кундаги нота, грампластинка ҳамда магнит тасмалрадаги ёзувлари ижроси ёш созанда-ю хонандаларнинг етук мутахассис бўлиб шаклланишларига ўз самарасини бермоқда.

Битирув малакавий ишининг мақсади

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тожиддин Муродовнинг ўзбек миллий санъатига қўшган ҳиссаси ва ижодий фаолиятини ёритиш

Битирувмалакавий ишининг вазифалари.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тожиддин Муродовнинг ҳаёти ва ўзига хос ижро услубини ёритиш.

Мавзуни ўрганганлик даражаси ва қиёсий таҳлили.

Мақомлар кўпчилиги Шарқ халқлари мусиқа меросида мавжуд. Улар шу халқлар миллий мусиқа меросининг асосини ташкил этади. Мақомлар назарий ва амалий асосларга эга бўлиб, мазкур халқлар мусиқа санъатининг

устозона услубидаги намунасидир. Мақомлар ва унинг тароналари хусусида ўтмишда яшаган алломалар ўзларининг мусиқий рисолаларида, шунингдек замондош муаллифлар мақомларга бағишлангане илмий изланишларида қимматли маълумотлар келтириб, қизиқарли ва мазмундор фикр-мулоҳазалар билдирганлар. Аммо шу кунга қадар мақом тароналари билан боғлиқ масалалар махсус ва кенг қамровда ўрганилмаган.

Мақомларнинг юзага келишида, айтим йўллари эса муайян тартибдаги узил-кесил шаклланишида айнан тароналар муҳим аҳамиятга эга омиллардан саналиши лозим. Яъни асосий шўъбалар орасидаги ушбу нисбатан оддий, ҳажман кичик, бир томондан халқ куй ва қўшиқлари, иккинчи томондан неча-неча авлод бастакорларининг қайта ишланган ”енгил” айтим йўлларисиз мақомлар, бизнингча, бу қадар муҳташам, чинакам қомусий мажмуаларни ҳосил қилиши амри маҳол эди. Маълумки, мақомлар таркибидан ўрин олган тароналар шаклан ранго-ранг, тузилиши жиҳатидан хилма-хил, мазмунан бой, услубан халқчил бўлган қўшиқ ва ашулалардир. Узун тарихий ривожланиш жараёнида уларнинг мусиқий-шеърий табиати тобора ўзгариб келгани турли даврларга оид ёзма манбаларда ўз аксини топган.

Тароналар юзасидан қимматли маълумот берувчи манбалардан бири бу XI асрда яратилган машҳур “Қобуснома” дир. Ушбу асарнинг 36-бобида тароналар бундан минг йиллар аввал ҳам машҳур халқчил айтимлар сифатида тингловчиларнинг маънавий эҳтиёжини қондирувчи руҳий озуқа экани маълум қилинган.

XX асрнинг бошларида кескин ўзгарган сиёсий, мафкуравий-ижтимоий шароитларда мақомларни сақлаб қолиш, нотага ёзиб олиш ва илмий ўрганишга улкан ҳисса қўшган атоқли ёзувчи, драматург, фан ва маданият, давлат ва жамият арбоби Абдурауф Фитрат ўзининг 1926 йилда ёзиб тугатган “Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи” номли рисоласида Шашмақомни

шарҳлар экан, “... тароналар асосий куйлар саналмайдилар... тарона мажлисдаги бутун хофизларнинг кўшилиши билан ўқиладур”,-деб ёзган. Муаллиф бу билан тароналарнинг муҳим жиҳатларини тилга олиб ўтган.

Шунингдек, бундан 80 йил муқаддам Фитрат ташаббуси билан Бухоро Шашмақоми атоқли фольклоршунос олим ва композитор В.А.Успенский томонидан илк бор нотага олинган. У мақом билимдонлари бўлган Бухоро амири сарой мусиқачилари Ота Жалол Носирдан мақом ашула йўлларини, Ота Ғиёс Абдуғанидан эса чолғу йўлларини нота қоғозига туширади.

Маълумки, 1960-1970 йилларда мақом меросимиз илмий жиҳатдан тадқиқ этилиб, янги босқичга кўтарилиши атоқли олим ва устоз, санъатшунослик фанлари доктори Исҳоқ Ражабов фаолияти билан узвий боғлиқдир. У ўзининг “Мақомлар масаласига доир” номли тадқиқий монографияси, “Мақомлар” мавзусига бағишланган докторлик диссертацияси ва “Мақом асослари” номли ўқув қўлланмасида тароналарга махсус тўхталмаган бўлса-да, Шашмақомнинг ашула бўлими хусусидаги бобида уларни қисқа ва лўнда изоҳлаб ўтган. Муаллиф Шашмақом туркумининг, айниқса ҳар бир мақом таркибидаги тароналарнинг ўзбек халқ мусиқаси билан яқиндан боғлиқлигини, аруз назариясида эса шеърнинг рубоий шаклини ифодаловчи атама эканлигини таъкидлайди. Шунингдек, аллома тароналарнинг даврлар мобайнида шакл жиҳатдан сезиларли даражада ўзгариб боргани ҳақида асосли фикр юритади. Мақомлар, хусусан, ўзбек ва тожик халқлари мусиқасининг мумтоз намунаси бўлган Шашмақом тахминан XVIII асрнинг биринчи яримларида мустақил мусиқа жанри сифатида узил-кесил юзага келди. XX асрда яшаб ижод қилган машҳур композиторлардан бири М. Бурхонов Шашмақомга шундай таъриф берган эди: “Шашмақом жаҳон маданиятининг бебаҳо мероси. Ундан ҳар бир инсон ирқи ва эътиқодидан қатъий назар ўз қалбига яраша гўзаллик топиши мумкин”. Гўзаллик улашадиган ушбу бебаҳо мерос хусусида яна бир қарра

тўхталиб ўтадиган бўлсак, мазкур мерос авлоддан-авлодга, устоздан-шогирдга оғзаки тарзда етиб келган. “Мақом санъати бевосита амалиёт тарзидаги илм сифатида қарор топмаслиги учун унинг ҳаёт сабоқларини хатга тушириш, тарихга битиш зарур”,- деб ёзган эди адабиётшунос олим Ш.Бегматов ўзининг 2005 йилда чоп этилган “Шашмақом сабоқлари” номли тўпламида. Устоз созанда ва хонандалар кейинги авлодларга кўз қорачиғидек асраб-авайлаб бизгача етказиб келган мақом намуналари ҳозирги кунда нафосат дунёсидаги энг зўр, беқиёс қийматга эга бўлган мусиқа санъатимиз бойликлари сифатида чинакам халқ мулкига айланди. Мақомларнинг куй-оҳанглари ҳар бир халқнинг ўзига хос мусиқа бойликлари заминида, санъатчи созанда, хонанда ва бастакорлар томонидан узоқ тарихий-маданий таракқиёт заминида юзага келган. Мусикаларга доир эски манбалар: IX-XVII асрларда яшаб ижод этган Ал-Киндий, Форобий, Хоразмий, Ибн Сино, Урмавий, Шерозий, Мароғий, Жомий, Ҳусайний, Нажмиддин Кавкавий, Дарвишали Чангий сингари буюк олимларнинг рисолаларида чуқур илмий асослаб берилган.*2

Мақом ижрочилиги халқ мусиқа маданиятининг шаклланиб ривож топувчи жонли жараёни эканлиги ҳаммага маълум. Унинг намояндалари бўлмиш созанда ва хонандалар ана шу халқ маданиятининг аҳволи учун мутасаддилар ҳисобланадилар. Бир сўз билан айтганда. Маънавият тарқатувчилардан ҳисобланадилар. Шунинг учун бу касб эгалари, яъни созанда ва хонандалар мусиқа ижодиётининг намояндалари сифатида давр маданиятига жавобгар бўлганлар. Ўтмиш рисолаларида, тарихий маълумотлар зикр этилган манбаларда замондош созанда ва хонандаларнинг келтирилиши ва уларнинг ижодига баҳо берилишининг асосий сабаби шундадир. Абу Наср Форобийнинг “Катта мусиқа” китоби, Зайнилобиддин Ҳусайнийнинг “Қонуни илми амали мусиқи”, Абдурахмон Жомийнинг “Рисолайи мусиқий”, Алишер Навоийнинг “Мажолисун-нафоис”, Дарвишали Чангийнинг “Мусиқий рисола” асарлари каби ўтмишда битилган тарихий

китобларда ўз замонасининг машхур мусиқа санъати намояндаларига тегишли маълумотлар баён этилиши бу фикримизнинг далилидир.

Мақомларнинг дастлабки намуналари Шарқда ҳозиргидек нота ёзуви бўлмагани учун бизгача етиб келмаган. Шунинг учун уларни эндиликда Шашмақом куйлари асосида тасаввур этишимиз мумкин. Шашмақом ўзбек халқи мусиқа меросида жуда катта ўрин тутди. Бу мақом туркуми чолғу ва ашула йўлларида миллий мусиқанинг бой оҳанглари, ритмик хусусиятлари, доира усуллари, куйларга шеър матнларини мослаб тушира билиш қоидалари билан боғлиқ қатор жиҳатлар мужассамлашган. Халқ мусиқа асарларининг қайси бирини олиб қараманг, улар у ёки бу мақом, ёки унинг шўъба пардаси, куй тузилиши, доира усулига ўхшашлигини билиб олиш қийин эмас. Шашмақом 250 га яқин чолғу ва ашула йўлларини ўз ичига олади. Улар асосида яратилган юзлаб халқ куй ва ашула намуналари, сурнай йўллари ҳисобга олинса, мақомларнинг халқ мусиқасида тутган мавқеининг нақадар кенг эканини яна бир бор билиб олиш мумкин.

Матюсуф Харратовнинг айтишича, XIX аср бошларида хоразмлик созанда ва бастакор Ниёзжон Хўжа Бухорога бориб, Шашмақомни ўрганиб келади ва Хоразмга олиб келиб тарқатади. Шашмақом Хоразм шароитига мосланиб олинади ва жуда катта ўзгаришларга учради. Хоразмлик машхур созанда ва бастакор Ниёзжон Хўжа, Феруз, Комил, Муҳаммадрасул Мирзо ва бошқалар мақомларга янги чолғу қисмлар басталаб, мақомларни шаклан ва мазмунан бойитдилар. Хоразм мақомларини қадимда Матёқуб Харрат, Худойберган Мўҳркан, Комил Хоразмийнинг ўғли Муҳаммадрасул мирзабоши каби мақом усталари, кейинчалик устоз санъаткорлар Матпано ота Худойберганов, Мадрахим Шерозий, Ҳожихон Болтаев, Комилжон Отаниёзов, Жуманиёз Ҳайитбоев, Матниёз Юсупов каби санъаткорлар ижро этишган. Мақомлар ансамбль ва яккахон тарзда ижро этилган. Мадрахим Шерозий, Ҳожихон Болтаев, Комилжон Отаниёзовлар мақомларни ва йирик

халқ куйларини такомиллаштиришда, ёш ижрочиларни ўзлари яратган ижрочилик услубига эргаштира олганлар ва кўплаб шогирдлар етиштирганлар.

Комилжон Отаниёзов “оқ фотиҳа” берган шогирдларидан бири бизнинг асосий мавзумиз қаҳрамони бўлган “Қашқадарё булбули” деб ном қозонган атоқли санъаткор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тожиддин Муродовдир. Биз ўз диплом ишимизда устоз санъаткор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тожиддин Муродовнинг ҳаёти ва ижоди, санъатга кириб келиши, ўзига хос ижро услуби, театрдаги фаолияти ва қолдирган мероси ҳақидаги ҳамда атоқли санъаткорларнинг Тожиддин Муродов ижодига берган баҳолари ҳақида тўхталишни лозим деб топдик.

Битирув малакавий ишининг илмий аҳамияти.

Тожиддин Муродовнинг ҳаёти ва ўзига хос ижро услуби ҳақида батафсил маълумотлар

Тадқиқот предмети. Тожиддин Муродовнинг ҳаёти ва ўзига хос ижро услубини ўрганиш

Тадқиқот объекти. Анъанавий хонандаликда таълим олувчиларнинг ижро маҳоратини шакллантириш жараёнида Тожиддин Муродов ижро услубидан фойдаланиш.

Битирув малакавий ишининг аҳамияти.

Ўзбек мусиқа меросини ўрганиш ва уни кенг омма ичида тарғиб қилиш ишлари санъатимизнинг жонкуяр ташаббускорлари-моҳир ижрочилар зиммасида бўлмоғи зарур. Чунки бизнинг давримизгача етиб келган улкан мусиқий мероснинг устоздан шогирдга бевосита ўтишида табаррук зотлар кўприк вазифасини ўташ билан биргаликда ўзларининг ижролари билан ҳам намуна бўлганлар. Ота Жалол Носиров, Ота Ғиёс Абдуғаниев, Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов, Мулла Тўйчи Тошмухамедов, Шораҳим Шоумаров,

Матюсуф Харратов, Матпано Худойбергано, Мадрахим Ёкубов(Шерозий), Юнус Ражабий, Домла Ҳалим Ибодов, Уста Олим Комилов, Мамадбува сатторов, Жўрахон Султонов, Тўхтасин Жалилов, Сафо Муғанний, Ҳожихон Болтаев, Маъмуржон Узоқов, Фахриддин Содиков, Комилжон Жабборов, Имомжон Икромов, Ғанижон Тошматов, Саиджон Калонов, Набижон Ҳасанов билан биргаликда ўзбек мумтоз мусиқа санъати ривожидида бекиёс хисса қўшган бетакрор овоз соҳибиТождидин Муродовдир.

Тождидин Муродов 1941 йилнинг 5 январидида Қашқадарё вилояти миришкор туманининг Жейнов қишлоғидида таваллуд топган. Оиласидидаги иждодий муҳит болалиқданоқ унинг қўшиқ куйлашга бўлган қизиқишини орттирди. Тождидин Муродов она тупроғимиз муҳитидида қадимдан илдиз отган ўзбек миллий мумтоз қўшиқчилигигида ўзгача меҳр қўйган ҳолди вояга етди.

Абдулла Орипов

Ўзбекистон Қаҳрамони

ТОЖИДДИН ҲОФИЗ

Бир булбул чиққанда Қашқадарёдан,
Куйлай-куйлай ўтди фоний дунёдан.
Тождиддин хофиздан ўчмас ном қолди,
Наво ундан рози,у ҳам наводан.

1 БОБ. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тожиддин Муродов

1.1. Тожиддин Муродовнинг ҳаёти ва ижоди.



Ўзбек мумтоз муסיқа ижодиёти ва ижрочилиги бой анъаналарга эга бўлиб, асрлар давомида моҳир созандаларни, хушовоз хонандаларни тақдим этган. Қашқадарё воҳаси ҳам ўзининг мард, жасур инсонлари, санъаткорлари, бастакорлари билан ажралиб туради.

Бу юртнинг Ҳар бир гўшаси халқимиз маънавий ҳаётига тухфа қилган намояндалари билан машҳурдир. Қашқадарё кенгликларида дунёга келган, тўрғай навосидек майин, ўзига хос дилбар овоз соҳиби Тожиддин Муродовнинг дунёга келиши санъат ихлосмандлари учун чинакам янгилик бўлган эди. Тожиддин Муродов шоир Икром Отамурод таъбири билан айтганда “Тўрғайли манзил” – Жейнов қишлоғида туғилган. Қашқадарё воҳасининг чўл худудида жойлашган Жейнов қишлоғини ким билмайди, дейсиз. У чорвадорлар, ғаллакорлар диёри. Кўхна Жейновнинг қадимги тарихи, маданияти, урф-одатлари, ўлмас анъаналари ўзи бир китоб.

Заргарона касбга, хунарга эга одамларнинг ҳаёти, яшаш тарзи ўзи бир дoston. Тилини, динини, эътиқодини йўқотмаган эл-элат, халқ ўлмайдн, яшайдн деган ақидага жейновликлар мисол бўла олади.

Тожиддин Муродов мана шу Жейнов фарзанди. Бу замин ҳозирги кунда фақат Қашқадарёнинггина эмас, бутун Ўзбекистоннинг таниқли маскани, довруғли гўшасига айланган. Бунда Тожиддин Муродовнинг ҳам ҳиссаси катта. Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислom Каримов кашқадарёлик сайловчилар ҳузурида сўзлаган нутқларида Қашқадарё воҳаси маданияти, санъати равнақига муносиб ҳисса кўшган машҳур ижодкорлар – Икромa Болтаева, Ўлмас Саиджонов, Марям Сатторова, Насиба Сатторова, Замира Суюнова билан бирга беназир овозга эга бўлган Тожиддин Муродовнинг муборак номини тилга олганларининг ўзи ҳам етук санъаткорга кўрсатилган самимий эҳтиром ва хурматдан далолатдир. Қашқадарёлик машҳур санъаткор, яқин тарихимизнинг санъат осмонидаги порлоқ юлдузи Тожиддин Муродов 1941 йил 5 январда зиёли оиласида дунёга келди. Унинг отаси Муродхон эшон дунёвий ва диний илмдлан яхши хабардор, зиёли инсон бўлиб, кишлокдошлари орасида ўз ўрни ва сўзига эга бўлган инсон эди. Қишлоқдаги ўзига тўқ, сахий, зиёли одамлардан бири бўлганлиги учунми, Муродхон эшон хонадонида ҳафтасига бир марта, баъзида унданда кўпроқ одамлар йиғилишар, Муродхон эшон билан бўладиган суҳбатлар давоми китобхонликларга уланиб кетар эди. Муродхон эшон жуда ширали ва баланд овозга эга бўлиб, Қуръони Карим оятларини кироат қилганда, одамлар берилиб тинглашарди. Тонг отгунча давом этадиган китобхонликлар давомида Одамлар Аҳмад Яссавий ҳикматлари, Ҳувайдо ғазаллари, Бобораҳим Машраб ҳазаллари, Султон Иброҳим, Темурнома, Амири Адҳам, Боборавшан қиссаларини тўлқинланиб эшитишар, тингловчиларнинг кўзларига ёш тўлар эди. Тонготар ғазалхонликларда Алишер Навоий ва бошқа классик шоирларнинг ғазалларининг оғанг билан ўқилганлиги, ёш Тожиддиннинг қалбида санъат ва адабиётга кучли меҳр

уйғотган бўлса, онаси Руқия бибининг халқ матал ва нақлларининг билимдони эканлиги, ривоятларни ва халқ кўшиқларини ширали овоз билан хиргойи қилиши унинг халқ ижодиётига бўлган қизиқишини орттирди. Тожиддин Муродов меҳр тўла ўша давраларнинг, китобхонликларнинг, тонготар гурунгларнинг доимий шоҳиди бўлганлиги учун ана шундай муҳит таъсирида вояга етди, Бу унинг кейинчалик машҳур санъаткор бўлиб етишишида тамал тоши бўлиб хизмат қилди. Тожиддин Муродов 1947-1954 йилларда бошланғич синфни Жейнов қишлоғидаги мактабда, ўз қишлоғидаги мактабда юқори синфлар бўлмаганлиги сабабли ўрта мактабни Касби туман марказидаги мактабда яёв қатнаб тугатди. Мактаб йиддариданок мактабда ўтказиладиган турли тадбирларда кўшиқ айта бошлади, Кейинчалик ҳарбий хизматдан қайтган амакисининг ўғли Сулаймон Мақсадовдан рубоб чалишни ўрганди ва кўшиқларни рубоб жўрлишигида айта бошлади. Тожиддин Муродов санъат йўлини танлади, аммо унинг отаси Муродхон эшон тўнғич ўғли Тожиддиннинг муаллим бўлиб қишлоқдошларининг қалбига зиё нурларини сочишини, уларнинг саводини чиқариб, ҳар жабҳада кўмакдош бўлишини, қишлоқда қолиб укаларига бош-қош бўлиб юришини хоҳларди. Қобил ўғил отасининг орзусини амалга оширди ва 1958 йилларда Қарши давлат педагогика институтининг математика-физика йўналишига ўқишга кирди. Талабалик йилларида ҳам унинг қўлидан тори тушмади. Ўқишини аъло даражада уддалаган ҳолда, институтда бўладиган кечалар ва вилоят тадбирларида фаол қатнашиб. Ўзининг хуш овози билан мухлислар орттирди. 1961 йили республика яккахон хонандалар танловида шоир Акмал Пўлатнинг “Таҳсин сизга” номли шеърига басталанган кўшиқ билан қатнашиб, биринчи даражали диплом соҳиби бўлди. Орадан икки йил ўтиб, отасининг орзуси рўёбга чиқди. У институтни тамомлаб, олий маълумотли ўқитувчи мақомига эга бўлиб, қишлоқдошларига сабоқ бера бошлади. Дарс бериш билан биргаликда истеъдодли болаларни тўплаб, мусиқа тўгараги ташкил этди. Шу йилларда “Маннон Уйғур” номидаги Сурхондарё театри

гастрол сафари билан Жейнов қишлоғида концерт беради. Концерт ниҳоясига етгандан сўнг қишлоқдошларининг талаби билан ёш Тожиддинни ҳам сахнага чиқариб, ашула айттиришади. Тожиддин Муродов шу сахнада 10 та ашула айтади. Сурхондарё театрининг директори Муҳиддин Мажидов ёш ҳофизнинг ноёб овозини эшитиб, ҳайратда қолади. Концерт жуда муваффақиятли кўтаринки даражада ўтади. Концертни бу даражада муваффақиятли ўтишини кутмаган Муҳиддин Мажидов концерт тугаши билан Муродхон эшон хонадонига боради. Меҳмондўст Муродхон эшон вақт алламаҳал бўлганига қарамай меҳмонларни очик чехра билан кутиб олади ва зиёфат қилади. Зиёфат сўнгида театр директори мезбонга қараб “Шу ўғлингизни бизга бериб юбормасангиз бўлмайди. Ундан буюк ҳофиз чиқади. Унинг жойи театр, унинг жойи сахна. Истеъдоди хор бўлмасин”,- дейди ва бугунги концерт таассуротлари, халқнинг Тожиддинни қандай кутиб олганлигини айтиб беради. Муродхон эшоннинг розилигини олгач, Тожиддинни театрга ўзи билан олиб кетади. 1965 йилдан Тожиддин Муродовнинг ижодий фаолияти бошланади ва у Сурхондарё вилояти(ўша маҳалларда Қашқадарё ва Сурхондарё битта вилоятга бирлашган эди) мусиқали драма ва комедия театрига актёр ва биринчи даражали хонанда(биринчи номердаги солист) бўлиб ишлай бошлади.Биринси даражали дейилишига сабаб концерт режаларининг асосий қисмини Тожиддин Муродовнинг репертуари ташкил қиларди. Концертларда Тожиддин Муродов жуда катта олқишларга сазовор бўларди. Ҳар концертда камида 16 тадан ашула айтарди ва албатта ҳар бир чиқишида бирор янги ашула тақдим этарди. Шу тариқа 1965 йилдан 1968 йилларгача Сурхондарё тетрида фаолият юритди. 1968 йили Қашқадарё вилоятида ташкил этилган Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов номли театрга ишга ўтди. 1970 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Қўзибой Ҳакимов Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов театрига режиссёр бўлиб ишга ўтади ва “Ёрилтош” спектаклини сахналаштиради. Спектаклдаги бош рол –Шоҳ ролига

Тожиддин Муродовни таклиф этади. Спектакл томошабинлар томонидан жуда яхши кутиб олинади. Спектаклдаги бу рол Тожиддин Муродовнинг биринчи маҳорат билан ўйнаган актёрлик роли эди. Ўша вақтгача Тожиддин Муродов катта ҳосил байрамлари, катта тантаналар, байрам концертларида улкан олқишлар оларди. Бу йилларда концертларда кўшиқлар фақат жонли овозда ижро этиларди. Театр Мулла Тўйчи Ҳофиз номига қўйилганлиги сабабли “Тўйчи Ҳофиз” спектакли қўйилди. Ўша пайтдаги театр режиссёри Ж.Ашуров бадиий кенгашда Тўйчи Ҳофиз ролини Тожиддин Муродовга топшириш тўғрисида таклиф киритади. Таклиф бир овоздан маъқулланиб, бош ролга Тожиддин Муродов тасдиқланади. Спектакл ҳақиқатан ҳам жуда катта муваффақият қозонади. Ундаги ария ва дуэтлар тингловчининг юрагига мос ёзилганлиги сабабли Тожиддин Муродов маҳорат билан ижро этади. Айниқса, охириги кўринишдаги воқеа тамошабинларнинг қалбини ларзага солар эди. Босмачилар бир уйга бостириб кириб, оила аъзоларини ўлдириб кетишади ва тасодиф туфайли 6 ёшли бир бола тирик қолади. Тумонат одам йиғилган пайт Тўйчи Ҳофиз кириб келади, болани бағрига босиб “Қаро кўзим” кўшиғини куйлаганда залда йиғламаган одам қолмаган. Ҳаттоки, театр артистлари ҳам келиб, шу кўринишни атайлаб томоша қилиб йиғлашган экан. Тожиддин Муродов бундан ташқари, “Жон қизлар” пьесасида Эрка, “Нурхон” мусиқали драмасида Ҳайдар, “Равшан ва Зулҳумор” да Равшан, “Лайли ва Мажнун” да Қайс, “Алпомиш” да Қултой каби талай роллар ижро этди. Тожиддин Муродов сахна санъати, бозингарлик маҳорати бўйича махсус маълумот олмаган бўлса ҳам, бу борада унга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоблари Мансур Равшанов ва Қўзибой Ҳақимов, хонандалар Ўзбекистон халқ артисти Муҳтарам Носирова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Аликул Тўраев ва Муҳиддин Мажидовлар яқиндан ёрдам бердилар, уларнинг маслаҳат ва кўмаклари орқасида малака ҳосил қилди, хусусан, ашуланинг катта авж қисмини

бемалол айтадиган бўлди. 1968-1980 йилларда театрдаги фаолияти даврида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвонига сазовор бўлди.

Тожиддин Муродовнинг кўшиқлари чегара ва масофа билган эмас. Озарбайжон, туркман, тожик халқлари хонадонларига хонанданинг овози кириб борган. 80-йилларда Бокуда бўлиб ўтган ўзбек адабиёти, санъати декадасида бастакор Раҳматжон Турсуновнинг машҳур Озарбайжон шоири Самад Вурғуннинг “Агар сендан...”(Раззоқ Абдурашид таржимаси) ғазали Тожиддин Муродовнинг ижросида янграйди. Ашула ёзилган тасма Самад Вурғуннинг уй музейига тантанали равишда топширилади. Буни икки эл-ўзбек ва озарбойжон элининг бир-бирига йўллаган мусиқали саломи деса бўлади. Тожиддин Муродов Туркменистон халқ артисти Бобомурод Ҳамдамов, Тожикистон халқ ҳофизлари Жўрабек Муродов ва Жўрабек Набиевлар билан ижодий ҳамкорлик қилиб, тожик ва туркман халқларининг ҳам севимли ҳофизига айланган эди.

1.2. Тожиддин Муродовнинг ўзига хос ижро услуби

Тожиддин Муродов 1960-63 йилларда Қашқадарёдан етилиб чиққан ўзига хос овоз соҳиби бўлган, эл ардоғидаги миллий ва мумтоз кўшиқларимизнинг бутун ижрочиси, ҳақиқий ўзбекона куйлайдиган ҳофиз эди.

Ўзбекистон Республикаси халқ артисти Ортиқ Отажонов шундай хотирлайди: “1965 -66 йиллар чамаси устоз ҳофиз Комилжон Отаниёзов билан биргаликда Қарши шаҳрига тўйга борган эдик. Устозимиз бир пиёла чой ичгунларича, ташқарида ашула бошланиб кетди. Ташқаридан тоза овоз эшитилиб қолди. Чой ичиб ўтирган устозимиз бирданига жим бўлиб жуда яхши овози бор экан, деб кўйдилар. Чунки устозимизнинг куйига қўйилган чиройли сўз янграган эди-да. Тўй тугагандан кейин уйга кириб ўтирдик.

“Ҳалиги ашула айтган йигит қани?”- дедилар Комилжон устоз. “Мана-мана, менман устоз”,- деди, устоз йигитнинг исмини сўрадилар. “Устоз, Тожиддин Муродовман”,- деди йигит. Шунда устоз: ”Мана шу тўйнинг бошида айтган ашулангнинг шеъри мен яратган куйимга узукка кўз кўйгандек бўлибди, шу куйимни сенга бердим, барака топ ўғлим”,-деб Комилжон устоз Тожиддин Муродовга оқ фотиҳа бердилар. Сал вақт ўтмай, бу кўшиқ республика радиосида берила бошлади ва бу кўшиқ Тожиддин Муродовнинг яхши кўшиқлари қаторига кирди. Устоз Комилжон Отаниёзовга манзур бўлган бу кўшиқ шундай мисралар билан бошланади:

Чўллар қувиб эл кўнглини чоғ этган,
Янги ерда янги чаман боғ этган,
Меҳнатидан осмонўпар тоғ этган,
Дўстлар қабул этинг қалб саломимни!
Сизга бағишладим бу каломимни”

Устоз санъаткор, Ўзбекистон халқ ҳофизи Қувондиқ Искандаров Тожиддин Муродовнинг ижод салоҳиятига таъриф берар экан, шундай дейди: “1967 йили Сурхондарёга гастрол сафарига боргандим. Меҳмонхонадаги хонамга миқтигина, қорачадан келган, кўзлари кулиб турган йигит кириб келди, ўзини Тожиддин Муродовман деб таништирди. Сурхондарё театри артисти, хушовоз хонанда, ҳофиз, ажойиб инсон Тожиддин Муродов билан шу тариқа танишганман. Ундан қшўиқ айтиб беришини сўрадим ва шу ернинг ўзида бир-иккита мақом айтди. Қойил қолдим, тан бердим. Овози ниҳоятда ширали, бақувват, баланд пардадаги овоз эди. Шу кундпн бошлаб оға-ини киришдик. Тожиддин Муродов овозининг мухлиси бўлдим, унга меҳрим тушди. “Устоз, Хоразм мақомларидан айтсам”,- деди. Мен унга “Феруз-1”, “Феруз-11”, “Гулизорим”,

“Хоразм чоргоҳи”га ўхшаган, унга катта шуҳрат келтирган мақомларни ўргатдим”.

Муסיқанинг етти пардаси орасида етти минг олам сеҳри бор. Унинг чорак, нимчорак пардаларидаги нолаю қочиримлар инсоний изтироблардан, садоқатдан, боланинг онага, онанинг болага меҳру муҳаббатидан сўйлайди. Муסיқа санъатининг сеҳри ҳам, қудрати ҳам шунда. Бироқ муסיқанинг бундай сеҳру қудрати билан яшаш ҳар қандай хонанда ва созандага насиб қилавермайди.

Ўзбек мумтоз кўшиқларининг мохир ижрочиси, такрорланмас овоз соҳиби Тожиддин Муродов ана шундай муסיқа сеҳри билан яшаган ва ижод қилган санъаткорлардан бири эди. Устоз санъаткор, бастакор, профессор Тожиддин Муродов ҳақида шундай дейди:

“1973 йили Семашко номидаги шифохонада муолажа олаётиб, шу ерда даволанаётган Тожиддин Муродовни учратиб қолдим. У менинг янги басталаган ашулаларимга қизиқиб қолди. Шу тариқа “Ғамзасин севдинг, кўнгил” (Фузулий ғазали), “Агар сендан” (Самад Вурғун ғазали), “Саодат бу” (Восит Саъдулла шеъри), “Жононасан” (Усмон Жонгитов шеъри) каби ашулалар майдонга келди. Тожиддин Муродов оҳангни тез ҳис қилиши, ашуладаги зеру забарларни жой-жойига қўйиб куйлаши, нафасни тежамкорлик билан олиши, ашула матнини тўғри ва аниқ талаффуз қилиши, овоз диапазониининг кенглиги билан мени мафтун этган эди”.

“Мен Тожиддин Муродовнинг овозини эшитганимда, Қашқадарёнинг узундан-узун йўллари, чўллари, табиати, танги, мард халқи кўз ўнгимга келади. Бунақа овоз, бунақа бетакрор санъатни мен бошқа кишида топмадим. Бундай овоз фақат Оллоҳ томонидан берилади, деб ўйлайман. Ҳали ҳам ўша “Ғамзасин” кўшиғини эшитсам жуда таъсирланиб кетаман. Шу кўшиқда Тожиддин ака ўз дардини куйлаган. Менимча, ҳофизнинг ички дарди, Оллоҳга бўлган муҳаббати шу кўшиқда мужассам. Кўшиқни жуда гўзал ва

бетакрор куйлаган. Ҳеч қайси ҳофиз бу кўшиқни Тожиддин ака даражасида куйлай олмаса керак, деб ўйлайман”,- дейди Ўзбекистон халқ артисти Шерали Жўраев.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Михли Сафаров шундай ҳикоя қилади:

Ўтган асрнинг 80-йилларида “Санъат” журналида бош муҳаррир ўринбосари бўлиб ишлар эдим. Таҳририятимиз ҳамиша гавжум, бу ердан бастакорлар, ҳофизу хонандалар, рассомлар, санъатшуносларнинг оёғи узилмас эди. Ҳатто вилоятлардан ҳам кўплаб санъаткорлар келиб туришарди. Жумладан, Қашқадарёдан таниқли ҳофизимиз, эл меҳрини қозонган, телевидение, радиодан кўшиқлари тез-тез янграб турадиган санъаткор Тожиддин Муродов ҳам таҳририятимиз аъзолари билан эл бўлиб кетган, бизнинг кадрдонимиз эди. “Муסיқа санъати” бўлим бошлиғи Шерали Сокин Тожиддин Муродов кўшиқларининг ашаддий мухлиси эди. Шу ихлос сабаб бўлса керак, ўғилларидан бирининг тўйига, наҳорги ош хизматиға тошкентлик ҳофизу хонандалар қолиб, Қашқадарёдан Тожиддин Муродовни таклиф этди. Журналист биродаримизнинг сўзи ерда қолмасин деб, белгиланган кунда олис Қашқадарёдан Тошкентға тўйға етиб келди. Тонг пайти, тўй бошланиши билан санъаткорлар ўтирган кроватдан туриб, Тожиддин Муродов торни кўлиға олди. Ёнида доирачи. Фузулий ғазали билан айтиладиган “Ғамзасин севдинг, кўнгил” ашуласини бошлаб юборди...

Бу ашулага асос бўлган Фузулийнинг ғазали ўзи бир нодир асар. Бунинг устиға, унга моҳир бастакор Раҳматжон Турсунов шу қадар гўзал куй басталаганки, эшитганинг сари эшитгинг келаверади. Раҳматжон Турсунов, билишимча, бу ашулани ҳамшаҳри Тожиддин Муродовнинг саховатли овозига ҳавас қилиб, унга атаб яратган экан. “Ғамзасин севдинг, кўнгил” фақат бастакор Раҳматжон Турсуновнинггина эмас, балки шу билан бирға атоқли ҳофиз Тожиддин Муродов кўшиқ ижрочилигининг ҳам “Шоҳбайти”

бўлиб қолди, десак янглишмаймиз. Хуллас, ўртада Тожиддин Муродов куйламоқда. Ҳофизнинг оташин, эҳтиромли овози кишини сел қилади, одамлар чойу нон, дастурхон қолиб ашуланинг дарёдай кенг, оташин оҳангига монанд ҳолатда бош тебратиб, мастона хаёлларга берилиб ўтиришибди. Қўшиқ тобора авжимга чиқмоқда, ҳофизнинг овоз пардалари ғазалда мужассам ошиқнинг дарду дунёси билан борган сари ёлқинланади. Бир вақт, Даврада ўтирган атоқли рассом Рўзи Чориев ҳўнграб йиғлаб юборди. Қарасак, шашқатор кўз ёшлари юзини ювиб, тўрвадай, оқ оралаган соқолига қараб тушяпти.... “Чидолмайман, юрагим ўртаниб кетяпти, оҳ!” деб бошини чайқайди, кўз ёшларини тия олмайди.

Нихоят, ашула тугади. Шунда ярим ўрисча тарбия кўрган Рўзи Чориев ўрнидан турди. Юзи, соқолидаги кўз ёшларини дастрўмоли билан артди. Тожиддин Муродовга яқинлашди, Уни кучоғидан қўйиб юбормай, бўйнига осилиб: - Бераҳм кўшиқчи экансан, юрагим эзилиб кетди, оҳ-оҳ, қанақа овоз сенда? Офарин, офарин!-деб ҳофизнинг юз-кўзларидан ўпа кетди. Дастурхон атрофида ўтирганлар ҳам ўз хониши билан кўнгилларни ларзага келтирган “бераҳм” ҳофизни ва рассомни олқишлаб чапак чалдилар. Демак, РўзиЧориев ҳамманинг дилидаги таҳсинни бир самимий шаклда изҳор этган эди.Тожиддин Муродовнинг ижрочилик бисотида бир-биридан гўзал кўшиқлари, ашулалари кўп эди. Лекин “Ғамзасин севдинг, кўнгил” уни элга танитди ва санъатимиз тарихида ўзига хос ўрнини таъмин этган ашуладир. Тожиддин Муродов ижросига ҳавас қилиб, ундан ибратланиб, кейин бу ашулани бошқа бир қатор хонандалар ҳам айта бошладилар. Бундан кейин ҳам “Ғамзасин севдинг, кўнгил” тилдан тушмайди, дилларга завқ бағишлайди. Бироқ бу ашула ижрочилигининг сарчашмасида Тожиддин Муродовнинг рангин товланишларга бой, оҳангдор овози турибди, У қалбларда, граммпластинкаларда, радио ва телевидение фонограммаларида яшаб келаётган ва яшаб қолаверадиган мўъжизадир.

Тождидин Муродов кўшиқлари матнларини мавзу ва мазмунан куйидаги туркумга бўлиш мумкин:

1. Маърифий-урфоний мазмундаги кўшиқлар
2. Дидактик, панд-насихат руҳидаги кўшиқлар
3. Мажозий, ишқ-муҳаббат тараннум этилган кўшиқлар

Муסיқий ижро жиҳатдан 4 туркумга ажратиш мумкин:

1. ”Шашмақом” ва мақом йўлидаги, анъанавий ижрочиликка мансуб мумтоз асарлар (“Гулузорим”, “Гиря”, “Насруллои”)

2. Халқона, яважи усулдаги асарлар
3. Халқ достонлари, халқ оғзаки ижодидан олинган ва бахшиёна асарлар
4. Бастакорлар ижодидан олинган асарлар

Тождидин Муродовнинг овоз диапазони жуда кенг, мустаҳкам, тик ва бақувват бўлиб, мақом шўьбаларини узлуксиз айта олган. Мисол тариқасида

Vazmin

G'am-za-sin sev - ding ko' - ngil jo - ning ke-rak- mas - mu se-nga

Te-g'a ur-ding jis-mi ur - yo - ning ke-rak- mas - mu se - nga O-ta-shin o -

him-la ay - lar - san men-ga tak - li - fi bog' Bog'-bon gul bar-gi xan-do -

ning ke-rak- mas - mu sen-ga Ey ka-mon ab - ro'ra-qi - ba ber-ma g'am - zang

din na-sib O'q o-tar-san to-sha, pay-ko - ning ke-rak- mas - mu sen-ga

Yon-du-rub jo -

nim ja-hon so'z et-ma bar - qi o-hi-mi os - mon, xur - shi-di rax - sho

ning ke-rak- mas - mu sen-ga Tu-ta-lim-kim ashk se - lo - bi-na yo'q-dir

e'-ti-bor Ey Fu-zu-liy, chash-mi gir - yo - ning ke-rak- mas - mu sen-ga

G'am - za - sin sev - ding ko' - ngil jo -

ning ke - rak - mas - mu sen - ga

Toshkent irog'i

Hay yo-ring-man hay yo - rey gir-yo-ning-man hay yo -
 rey o o o o
 hay jo - ni - mo. Ma-nam Maj-nun ishq do'st - lar - ki
 bir Lay - lo-ni iz - lar - man o ja - mo - li gul, so - chi sun - bul,
 ko' zi shah - lo-ni iz - lar - man, o a - jab bir tiy - ra dil - dur
 man, qa-mar siy - mo-ni iz - lar - man, o me - ni ish - qi - da
 zor et - gan, qa-di ze - bo-ni iz - lar - man, o o - shan - doq
 o - fa - ti jon sho' - xi be - par - vo-ni iz-lar-man o o
 yo - rey o hay yo-ro hay jo - nim - san o

yo - rey sa-do g`ang-man hay yo - rey o

A-si-ri

gul yu - zing - dur - man ja - hon gul zo - ri - ni nay - lay,

An-ga ko`ng-lum-ni ol - dur - dim bo`-lak gul

zo - ri - ni nay - lay, O-char-ga cir - ni

mah - ram yo`q bu g`am iz - ho - ri - ni nay - lay, Ma - lo - mat qil - sa



qil - sun el a - lar guf to - ri - ni nay - lay

Ke-chib-man o - ri no - mus - din o`-shal bar - no - ni

iz-lar-man o o yo-rey o jo-no

hay jo - nim - san o yo - rey Sa-do-g`ang-man

hay yo - rey o






jo - na-mo A-ning chun ro` - zi - shab ul yo - ri



no - pay - do-ni iz-lar-man o ay, yo - rey a - jo - ney



a ay yo-ro hay jo - nim sa- no



yo rey Qa-chon et-kum vas- ling - ga o



Yo-ron - lar ul pa



ri - vashishq - ning de - vo - na - si bo`l-dim.



Be - rib bar- bod ah- lim - ni xi- rad be- go - na - si bo`l



dim, yo-ra-mey



ko`-rib hus - ning cha

ro - g'i - ni yo-nib par - vo - na - si bo'l - dim, o

Ne - tay mis - kin ka - bi xal

qi ja-hon af - so - na - si bo'l - dim, o

o o

yo - ra-mey ju - nu - nim ay - bi qil - mang

lar mo - hi an - qo-ni iz-lar-man o a yo - rey a

jo - ney a yo-ro hay jo - nim - san o

yo - rey sa-do-g'ang-man hay yo - ro o

Guluzorim

A.Navoiy g'azali
Hoji Abdulaziz Rasulov musiqasi

M.M. ♩=112

Do'st-la - rim, (ay) bir no - za-nin (o) ish - qi bu
hol et-mish me-ni, Zul-f(i) sav -
- do - si (ya) a - lif qad - dim - ni dol (do - da) et-mish me-ni,
Lo-la gul (yo - ra) rux - so - ri xajr
ash - kim - ni ol (do - da) et-mish me-ni, bir pa
ri (ya) pay-qar(a) g'a - mi o - shif - ta hol (do - da)
et-mish me-ni, el - ga ah - vo - li-m(a) de-
mak - da gu - ngu lol (do - da) et-mish me-ni (yo-ra Ni-go -
rim gul - u - zo - rim vo-ey rahm ay-la Ni-go - rim,
gul - u - zo - rim, vo-ey rahm ay-la Ni-go - rim ey, qo'y - ma me-
ni zor yig' - la - ti-b(o) Ni-go - rim mey)

Ishq et - kur-mish me- ning
 - dek tel - ba-ni (ya) bu yer - ga kim,
 Te-shi - lur ko'k - si-m(o) ma - lo - mat o' - qi-di-n(o)
 ne yer - ga kim,
 Yo'q ma - jo - lim, o'y - la, xo
 - lim - din o' - zing - ga der - ga-kim,
 Men ha-
 vo - yi - ni ne-tong ko'r guz - sa-lar (o)
 bu yer - ga-kim, eg-ma qo - shi (ya) fik -
 -ri an - dog' kim, hil - lol (do - da) et-mish me-ni (yo-ra Ni-go -
 rim, gul - u - zo - rim vo-yey, rahm ay - la Ni-go - rim,

Kim, xa - zon fas - li - da - gi yap - rog' i -

lan teng o'1 - mi - sham, (o -

- - 0 - - - - 0 - - - -

- 0 - - 0 - - 0 - - - -

- 0 - -

Yo - r(i) ko' - yi ich - ra - kim, tup - rog' i - lan

(o do - dey) teng o'1 - mi - sham, ish - q(i) sav -

- do - si (ya) bu yang - lig' po - y(i) - mol et - mish me - ni

(yo - ra Ni - go - rim gul - u - zo - rim vo - yey rahm ay - la Ni - go -

rim, gul - u - zo - rim, vo - yey rahm ay - la Ni - go - ri - mey,

ko' r - ga - ni kel - dim so - g' i - ni - bo Ni - go - ri - mo).

Тожиддин Муродовнинг 40-йиллик самарали ижоди натижасида 1975-йил Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвони берилди. Қолаверса 1975-йил Масква шаҳрида ўтказилган санъат фестивалида иштирок этиб фахрли ўринларни эгаллади. Халқ муорифи аълочиси ва медалларига сазовар бўлди. Тожиддин Муродовнинг турмуш ўртоғи Мухийба ая билан 60-йил умргузаронлик қилиб 10 нафар фарзандни вояга етказиб тарбиялади. Оғир хасталик туфайли Тожиддин Муродов 2002-йил 28-декабр куни вафот этди. Бугунги кунда устоз санъаткоримизни “Тожиддин Муродов куйлайди” номли грампластинкаси Радионинг” Олтин фонди”да 30 дан ортиқ ашулалари сақланмоқда. Устоз санъаткоримизни йўлини от изини той босади деганларидек ўғли “Нихол” мукофоти совриндори давом эттириб келмоқда. Қолаверса Ўзбекистон давлат консерваториясида набиралари Тожиддинов Сухроб ва Муродов Хуршид бугунги кунда анъанавий хонандалик йўналишида тахсил олиб келмоқдалар. Ўйлаймизки устоз Тожиддин Муродовнинг ижод сарчашмаси кўп йиллар халқимизга ўчмас маёқ бўлиб хизмат қилади.







Қашқадарё булбули

Атоқли санъаткор Тожиддин Муҳаммадов ёди
Оҳим, энди сайрамас юртнинг севган булбули,
Нола бирлан фироқда қолди чаманнинг гули.
Хушовоз ҳофизу аржуманд кетди оламдан,
Ўртаниб, кўксин доғ этар Қашқадарё эли.
Қайдин келди хасталик, бало қаттиқ ёпишди,
Сўниб юлдузи, йўқликка қилди тулуъ.
“Фидо этдинг ўзни, жонинг керакмасму санго” –
Дер гўё афғон ичра улуғ шоир Фўзулий.
Маҳзунлик тортадир навҳадан “Дугоҳ”у “Баёт”,
Қумсаб хонандасин садпора мухлислар дили.
Ўлмайдир навосиз, ўлмайдир мумтоз куй-ғазал,
Лек қайта туғилмас куйчининг Тожиддин хили.
Сел бўлиб оқарди юраклар у куйлаган чоғ,
Қирқ йилда сахнадан топгани олқишнинг мўли.
Ногоҳ тушди тор қўлдан, видоё етди Тошкентда.
Фарёд этди Жейнови, фарзандлар солди ғулу.
Ҳожи Поён таскин деб. Битди ушбу ашъорин,
Туганмас, мангулик қўшиқдир санъаткор йўли.

ПБОБ БУЗРУК МАҚОМИ

1.1 БУЗРУК МАҚОМИНИНГ БИРИНЧИ ГУРУХ ШУБАЛАРИ ХАКИДА.

Бузрук мақоми Шашмаком таркибидаги биринчи мақом саналиб унинг тарихи ҳам замонларга бориб колган. Бузрукнинг атамаси форсий бузрук сузининг узгарган шакли булиб ката улуг маноларни англатади. Хар холда бу мақом жуда куй ашулала йулларини уз ичига олганлиги учун шундай номланган булса керак. Бузрукнинг асосий кисмлари ре дорий миксолидий ладларига мос келади. Бузрук мақоми чолгу ва ашула булимлардан ташкил топган. Унинг чолгу булими йани мушкулот булими куйдагилардан иборат. Таснифи Бузрук Таржеи Бузрук Гардуни Бузрук Мухаммаси Бузрук Мухаммаси Насруллои Сакили Ислимий Сакили Султон. Тасниф ва таржеи йулларида бир хил доира усули кулланилади. Бузрук мақоми ашула булимининг биринчи гурух шубалари тароналари билан йахлит холда туркум тарзда ижро этилади. Бу шубаларнинг асосий йуллари Сарахбори Бузрук Талкини уззол Насруллои Насри уззол йакунловчи кисми еса Уфори уззол деб номланади. Улар орасида Насруллои ва Насри уззол Бузрукнинг Наср дейилган шубаларидир. Уларнинг авжларида Чоргох намудлари Насруллоида еса Турк авжидан фойдаланилган. Биринчи гурух шубалари туркуми Сарахбори Бузрукдан бошланади. У икки такт улчовига мост доира усули билан ижро этилади. Сарахбори Бузрукка айтиладиган шер муореи ахбори макфуф махзуф дейилган бахирда булиб мофоилун фоилотун – мофоилут-фоилун тарзида талаффуз этилади. Сарахбори Бузрук куй тузилиши жихатдан жуда ҳам мураккаб куй булакларидан таркиб топган. Бу асар чолгу мукаддимаси билан бошланади. Кейин бир байт шер билан айтиладиган биринчи хати даромад кисми айтилади. Сарахбори Бузрукнинг иккинчи хати мийонхат учинчи хати дунасер туртинчи хати Уззол намуди беш олти ва йеттинчи хатлар Мухаййари Чоргох намуди саккизинчи хат фурувард

кисмларидан ташкил топган.1-2-3 ва охирги хатлар ундов сузлар билан айтиларкан ханг оханглар билан ажратилар екан. Бузрукнинг иккинчи шубаси Талкини Уззол Бу йерда талкин доира усулининг номи булиб Уззол еса малум куй тузилмасини ифодалайди.Уззол ески мусикий рисоаларида курсатилишича Ун икки маком га кирган макоми таркибига киритилган.Уззол атамаси еса х асрдан малум Уззол арабча суз булиб тушиш пастга сакраш маносини билдиради.Бундай манони уззол номли шуба ва унинг бошланиш кисмларининг куй харакатидан хам билиб олса булади.Бундай куйлар масалан Сол товишидан бошланса кварта даражасида пастга яни Ре товушига тусатдан сакрайди Шу боисдан Уззол намуналари хакида шу йернинг узида умумий фикр йуритамиз Масалан Талкин Уззол кейинги Насри Уззол шубасида куй мазмунан бошкача тусга киради. Уфор усулида еса кувнок шухчан ашулага айланади.Уззол шубалари ва Уфор кисми куйдаги куй булаклардан таркиб топган Чолгу мукаддима биринчи хат даромад иккинчи учинчи хатлар мийонхат турт ва бешинчи хатлар Ушшок намуди олтинчи хат мухаййари чоргох намуди йеттинчи хат фурувард йани туширим кисмлардан иборат.Бу ерда Ушшок намуди яни Ушшокнинг куриниши Рост макомининг Ушшок номли шубаси асосида яратилган/

Уззол шубалари халк орасида машхур ашула йуллари булиб узига хос охангдор ва жозибалидир.Уларнинг машхурлигини шундан билиб олиш мумкинки Уззол оханглари асосида бошка ашула йуллари авжида кенг фойдаланилган.Уззол намуди йузага келган.

Уззол намуди Шашмакомда Бузрук Рост макомлари шубалари авжида кенг фойдаланилган.Талкини Уззолни бита таронаси булиб ухам булса Супориш яни кейинги шубага утишга уловчи вазифани бажаради.

МАКОМ ТАРОНАЛАРИ ХУСУСИДА

Маком тароналари хусусида утмишга яшаган алломалар узларининг мусикий рисоаларида шунингдек замондош муаллифлар макомларга багишланган илмий изланишлари кимматли малумотлар келтириб, кизиқарли ва мазмундор фикр- мулохазалар билдирганлар. Аммо шу кунга қадар маком тароналари билан боглик масалалар махсус ва кенг камровда урганилмаган.

Макомларнинг йузага келишида айтим йуллари еса муайян тартибдаги туркум булиб узил- кесил шакилланишида айнан тароналар ниҳоятда муҳум омиллардан саналиши лозим. Яъни асосий шубалар орасидаги ушбу нисбатан оддий хажман кичик, бир томондан халк қуй қушиқлари, иккинчи томондан неча- неча авлод бастакорларининг қайта ишланган енгил айтим йулларисиз макомлар, бизнингча бу қадар мухташам, чинакам комусий мажмуаларни хосил қилиш амримахол еди.

Малумки макомлари таркибидан урин олган тароналар шаклан ранго- ранг, тузилиши жихатдан хилма-хил мазмунан бой услубан халкчил булган қушиқ ва ашулалардир. Узун тарихий ривожланиш жаройонида уларнинг мусикий- шерий табиати тобора узгариб келгани давирларга оид йозма манбаларда уз аксини топган.

Тароналар юзасидан маълумот берувчи кимматли манбалардан бири бу XI асрда яратилган машхур Кобусномадир. Ушбу асарнинг 36- бобида тароналар бундан минг йиллар аввал ҳам машхур халкчил айтимлар стфатида тингловчиларнинг манавий ехтийожини кондирувчи рухий озика еканлиги маълум булади. Айон буладики урта асрларда яшаб ижод етган Сафиуддин Урмавий, Махмуд Шерозий. Абдулқодир Марогий. Абдурахмон Жомий. Зайнулобиддин Хусайний. Нажмиддин Кавкабий. Дарвиш али Чангий каби илм-фан ва бадий ижодкорликнинг буйук номайондалари ҳам узларининг мусикага оид рисоаларида тароналарга махсус тухталмаган булсалар-да у йоки бу мавзуга алоқадор тарзда қайд етиб утганлар

XX Асрнинг бошларида кескин узгарган сийосий, мафкуравий-ижтимоий шароитларда макомларни саклаб қолиш нотага йозиб олиш ва илмий урганишга улкан ҳисса қўшган атоқли йозувчи, драматург фан ва маданият давлат ва жамоат арбоби Абдурауф Фитрат узининг 1926 йилда йозиб тугатган *Ўзбек классик мусикаси ва унинг тарихи* рисолида Шашмақомни шарҳлар экан тароналар асосий қўйлар саналмайдилар тарона мажлисидаги бутун хофизларнинг қўшилиши билан уқилади – деб йозган. Муаллиф бу билан тароналарнинг муҳим жиҳатларини тилга олиб ўтган. Шунингдек бундан 80 йил муқаддам Фитрат ташаббуси билан Бухоро Шашмақоми атоқли фолклоршунос- олим ва композитор В. А. Успенский томонидан илк бора нотага олинган. У маком билимдонлари билан Бухоро амири сарой мусикачилари Ота Жалол Носировдан маком ашула йулларини Ота Гийос Абдугани еса қолғу йулларини нота қолғозга туширилади. Шу вазиятни В. Успенский узининг илмий ижодий ҳамқори Якин дуст. В. Беляевга йозган хатида қўйдагича ифодалаган. Шашмақом хусусидаги барча маъмотларни юборяпман. Фақат ашула бўлимининг шеърий матинлари бундан мустасно. Сабаби бунинг муҳимлигини қанчалик исботлашга уринмайин Фитрат буни истамади. Шу тариқа Шашмақомнинг биринчи нотага олувчиси ўз меҳнатининг натижаси ўқувчида тулик тасаввур ҳосил қилолмаслигини аниқлаб, унинг муқаммал емаслигидан афсусланган бўлса ажаб эмас.

Шу уринда тақидлаш жоизки. Мақомлар хусусан Шашмақом авваллари илмий – лирик мавзулар қатори панд- насихат ва диний- фалсафий мазмундаги шеърлар билан қўйланган. Охириги уса ўз навбатида шўролар замони сийосий мафқурасига зид қелган. Ҳуқм сўрган сийосий – ижтимоий вазиятни ҳисобга олмаслик – талай оғир оқибатларга олиб қелиши муқаррар еди. Шашмақомни шеърий матинларсиз нашр қилиши сабабларидан бири ҳам шудир. Шу боис Ота Жалол Носиров томонидан ижро қилинган асосий

шуба ва уларнинг тароналари қайси сузлар билан айтилгани биз учун коронги булиб қолмоқда.

В.А.Успенский кейинчалик уз есдаликларида тароналар юзасидан қуйдаги қузатувлар билан чегараланиб . Дейарли ҳар бир Наср ашула бўлимида бирор мавзуга асослаган . тарона номли бир неча вариантлар мавжуд дейди.

Тупланган маълумотлар . мавжуд нота матнларидан айон буладики ХХ асрнинг бошларида тароналар ҳозирга нисбатан сон жихатдан қупрок бўлган. Ва шу тоифадаги қисмларнинг факатгина оддийлик енгиллик хусусиятлари борлиги тарифланган. Айни патда Шашмаком тароналари сони жихатдан нисбатан қамрок қурсатилган бўлса- да. Мусикий – услубий томондан ранг-баранглиги сақланиб қолинганлиги еътиборлидир.

Маълумки 1960- 1970 йиллар мақом меросимиз илмий жихатдан тадқиқ етилиб янги босқичга қутарилиш атоқли олим ва устоз.санъатшунослик фанлари доктори Исҳоқ Ражабов фаолияти билан узвий боғлиқдир. У узининг Мақомлар масаласига доир тадқиқий манаграфиясида Мақомлар мавзусига бағишланган докторлик диссертасияси.Мақом асослари номли қув қулланмасида тароналарга махсус тухталмаган бўлса Шашмақомнинг ашла бўлими хусусидаги бобида уларни қиска ва лунда изохлаб утган.Муаллиф Шашмақом туркимининг. Айниқса ҳар бир мақом таркибидаги тароналарнинг узбек халқ мусикаси билан яқиндан боғлиқлигини. Аруз назарясида еса шуърнинг рубой шаклини ифодаловчи атама еқанлигини таъқидлайди.Шунингдек аллома тароналарнинг даврлар мобайнида шакл жихатдан сезиларли даражада узғариб боргани бизгача етиб қелган.Шашмақом таркибида оқай бири . амал . қай бири нақш. Ва бошқа шаклларда бўлганини ажратиб олиш қийинлиги ҳақида асосли фикр юритади.И. Ражабов берган тарихий- назарий-амалий изох ва хулосаларини тулалигича қабул қилган ҳолда айтиш лозимки. Ҳар бир нисбатан мустақил

муסיкий жанр уз навбатида факат унгагина хос кирралари билан узгаларидан фаркланади. Шуингдек турли чолгу ва айтим шакиллари уртасида узаро муштаракликка сабаб булувчи жихатлари мавжуд еканлиги табиий. Аммо шунинг билан бир каторда тафовутли томонлари хам борки айнан улар хар бир ижод турини бевосита боглайди. Назаримизда умумийликни хам узига хосликни хам муайян асарни шакиллантирувчи воситаларидан парда уйишмаси. Вазн- усул пойдевори. Куй-оханг тузилмалари хамда куйга боглаб айтилувчи шеър матинлари бирлигида кузатиш мумкин.

Еътироф етиш жоизки. Кадимий шакиллардан сувора накш ва пешрав номлари Хоразм макомларида. пешрав номи еса Шашмаком таркибида учрайди. Хусусан сувора ва накш намуналари ашула йулида. пешрав куйлари еса чолгу йулида етиб келган. Аммо бу шаклий тузилмаларни манбаларда келтирилган маълумотлар билан солиштирилганда ташки ва ички белгиларида узаро анчагина тафовутлар мавжуд еканлигини куриш мумкин.

Масалан Исхок Ражабов хоразм макомларининг айтим тарифлар еканмаскур маком тароналари Шашмаком тароналарининг йириглаштирилган шаклидир дея караш мумкин.⁴ –деб хулоса чикарган. Дархакикат Хоразм макомлари таркибидаги тароналар тахлилий жихатдан каралса улар Шашмаком тароналарига нисбатан хажми анча йирикрок услубан йоркин махаллий анъанларга хос куринишда еканлиги кузатилади. Аммо шу билан бир каторда тароналарнинг асосий мезонлари яни буайян пардалар заминидаги оханг жихатдан туб ухшашлик мавжуд булиб. Бу нафакат шуба билки тароналар илдизи хам ягоналигидан далолат беради. Малумки макомларнинг келиб чикиши тарихий тараккийот йуллари иусикашунослик фани олдидаги жумбоккли масалалардан бири булиб келган. Табиийки. бу борада мутахасислар турлича тахминлар килиб. Мушохада юритганлар. Ана шундай тахминлардан бири макомлар. Колаверса тароналарнинг

тароналарнинг шаклланиш тарихи билан боғлиқ бўлиб, у С.М.Векслерга тегишлидир. Муסיқашунос ўзининг “Очерк истории узбекской музыкальной культуры” номли ўқуа қўлланмасида берилган “Узбекские макомы” номли мавзусида; “Шашмақомнинг қадимий ашула қисмлари бўлмиш тароналар, аввалдан зардуштийларнинг ибодат маросимида киритилган” (5), - деб ёзган эди. Аммо бу фикрни исбот қилиш учун аниқ далиллар ёки илмий омиллар мавжуд эмаслиги сабабли баҳсли деб айтиш мумкин.

Шундай экан, мазкур жараёни баҳолашда юзаки хулосалар яшдан аввал, асосий ҳолатларга алоҳида эътибор бериш ва холис фикр-мулоҳазалар билдириш даркор ва албатта ушбу мавзуга доир иш (мақола)ни нашр эттирган муаллиф ўзбек муסיқашунослиги, хусусан мақомшунослигида амалга оширилган илмий янгиликлар, изланишлар ва тадқиқотлардан ҳам бохабар бўлиши шарт, назаримизда. Зеро буни илм-фан қоидалари ҳам тақозо этади.

1970 – йиллардан эътиборан ўзбек мақомлари, хусусан Хоразм туркумини илмий тадқиқ этиб келаётган олим О.Матёқубов ўз тадқиқотларида Шашмақом ва Хоразм мақомлари ҳақида ўқувчиларни чуқурроқ тасаввурга эга қилади. У ўтказган кузатувлари давомида, тароналарга алоқадор бўлган Сувора, Нақш, Фарёд каби шохобчаларга эътибор қаратади ва мазкур ашулаларнинг таронага нисбатан умумийлик ва тафовут жиҳатларини изоҳлаб, Хоразм ва Бухоро мақомларининг қиёсий таҳлили натижасида қуйидаги хулосаларга келади;

- Иккала туркум орасида уларнинг ўтмиши бир эканлигига далолат берувчи оҳанг жиҳатидан чуқур алоқалар мавжудлиги;
- Хоразм туркумида таронанинг бирлашган ва йириклашган шакллари кўриш мумкин. Бунга “Нақш”, “Сувора”, “Фарёд” каби куйлар мисолдир.

Ўтган асрнинг 80-йилларига келиб устозона муסיқамиз нафақат айрича, балки ўзга халқларнинг номдош ва турдош ўхшаш шакл ва жанрлар билан қиёсланган ҳолда ҳам назарий ва амалий жиҳатдан чуқур тадқиқ этила бошланди. Ана шундай тадқиқотлардан бири халқаро миқёсда танилган мутахассислар Ф.Кароматов ва Ю.Эльснер ҳамкорлигида ёзилган “Макам и мақом” деб номланувчи мақоладир. Бу ерда тароналарга атайлаб тўхталинмаган бўлса-да, аммо уларга тегишли муҳим ҳолатлардан бирига аҳамият берилади. Яъни, тароналарда Сарахбор шўъбаси таъсири жуда муҳим эканлиги, аниқроғи муайян таронанинг лўида куй жумлаларида “Сарахборнинг алоҳида характерли хусусиятларини кузатиш мумкинлиги” айтиб ўтилади.

Дарҳақиқат, тароналар ва улардан аввал келувчи асосий шўъбалар орасидаги ўзаро узвий боғлиқлик, қолаверса мақом шўъбаларининг нисбатан ихчам кўшиқлар гуруҳига бевосита таъсири ушбу монографияда берилган таҳлилларда кузатилади.

1990-йиллар боида чоп этилган Р.Юнусовнинг “Макомы и мугамы” номли монографиясида ўзбек мақомлари ва озарбайжон муғомларининг муштарак ва фарқли жиҳатлари тадқиқ этилар экан, Шашмақом тароналари озарбайжон таснифларига кўп жиҳатдан мос тушиши кўрсатилади. Изланиш жараёнида тэсниф ва тароналарининг муштарак, турдош тартиб-қонуниятлари аниқланади. Бу эса ўз навбатида тарона тоифасидаги қисмлар нафақат ўзбек ва тожик мақомлари таркибида, балки қардош халқлар мақомчилиқ санъатида ўзгача номлар остида ҳам мавжуд бўлиб, муҳим шакллантирувчи аҳамиятга эга эканидан далолат беради. Хусусан муаллиф; “улар (тэсниф ва тарона)нинг мусиқий-услугий муносабатлари фольклор жанрлари билан узвий боғлиқдир. Шунингдек мақомат ва муғомотнинг ягона шакллари асосида ётган халқ шеърӣ матнлари кейинчалиқ ғазаллар билан алмаштирилган”, - деб ёзади.

Ўтган аср 90-йилларининг иккинчи ярмида нашр этилган А.Ҳақимованинг “Профессиональное вокальное музицирование в Центральной Азии” (Древние века, средние века) номли китобида ёзилишича, тароналар – яқка тартибдаги монодик анъаналар хукмронлиги шароитларида жанр сифатида ҳам, бадиий эстетик тарзда ҳам жорий этилиши мумкин эмас эди. Улар ўзга маданий-ғоявий тизим, яъни жамоавий ижронинг жамиятида муҳим ўрин тутиб, улкан ғоявий-рухий маънога эга бўлган ҳолда, диний ибодатнинг маросим вазифалари адо этилган шароитларда шаклландир.

Бундай хулосага келиш умуман олганда ғайритабиий ҳол эмас. Бироқ у назаримизда қизиқарли илмий фаразлигича қолаверади. Чунки бевосита ишончли далилларга эга бўлмаган бундай қарашларни тўлиқ тасдиқлаш мушкул қолаверса, О.Иброҳимов илгари сурган илмий ғоялар негизида миллий мумтоз мусиқамиз тасаввуф таълимоти билан узвий боғланишига оид тушунчалар ётади. Жумладан, “...тузилиши ниҳоятда содда бўлган кўҳна давр куйлари, - деб ёзади муаллиф, - маълум мусиқий усулларининг кўлланилиши янгилиғ ривож топди, такомиллаштиради. “Мақом” ва у билан боғлиқ бутун бир мусиқий тизимлар эса ана шу жараёнда устувор аҳамият касб этдики, пировардида кўҳна куйлар янги мазмун ила суғорилиб, исломий дунёқараш кесимидаги бадиий қиймат маҳсули сифатида юзага чиқди”.

Мусиқа санъатини тасаввуф таълимоти билан боғлаб ўрганган тожикистонлик таниқли олим, санъатшунослик фанлари доктори Аслиддин Низомов эса айнан тароналар хусусида; “...тарона номи сўфий олимлар рисолаларида бироз нисбий тушунчага эга бўлиб, у Ҳақиқатни таниш қоидалари ва йўллари“ маъносида қўлланган... тароналарнинг “ял-ла-ло”, “садқа ё дўст” каби ҳанг иборалари эса бу турдаги ашулалар айнан тасаввуфона мусиқа орқали шаклланганидан далолатдир”, - деган хулосага келади. Тароналарни соф сўфийлар мусиқаси, дея ҳисоблаган муаллиф; муайян тароналар сўфийларнинг “Самоъ” дастуридан мақомлар таркибига тўғридан-тўғри олинганлигини ҳам тахмин қилади.

Умуман олганда бир мавзуга турлича нуқтаи назар билан ёндашган ҳар бир муаллиф хулосаларини, юқорида таъкидланганидек, қизиқарли илмий фаразлар, дея қабул қилиш маъқул туюлади. Зеро, бу хулосаларда ҳақиқатга яқин тахминлар билан бирга муболағали фикрлар ҳам йўқ эмас. Бунга А.Низомов монографиясидан олинган сўнгги иқтибос мисол бўлиши мумкин.

Юқорида келтирилган мавжуд адабиётларининг барчасида тароналар ўзига хос услубда талқин этилади. Ҳар бир муаллиф таронани таърифлашга қай йўсинда ёндашмасин, уларнинг муҳим аҳамиятга эга эканлиги ва мақсад вазифаларининг ўзига хослигини кўрсатади. Бироқ, эътироф этиш лозимки, тароналарнинг мусиқий хусусиятлари, ривожланиш қонуниятлари, туркумдаги моҳияти тўла очиб берилган дейиш қийин. Зеро, ўрганилган тадқиқотларда бош мақсад ва вазифани мақомотнинг бошқа масалалари ташкил этган.

2.2. Шашмақом туркумининг ашула бўлимидаги намудлар хусусида

Мақом шўъбаларининг куй тузилмаси анча мураккаб бўлиб, улар – даромад ёки сархат, миёнпарда ёки миёнхат, дунаسر, намудлар ёки фурувард ёки тушуриим қисмларидан иборат. Бундан кўринадик, сархат (даромад) – ашула бошланишидаги қисми, миёнхат – сархатдан кейинги ижро этиладиган қисми, дунаسر – сархатнинг бир октава юқоридаги такрорланиши, намудлар – куйнинг авжида ишлатилади. Фурувард – миёнхатга ўхшаган жумлалар бўлиб ашулани якунловчи қисми ҳисобланади.

Намуд тожикча кўриниш, келиш маъносидаги сўз бўлиб, муайян куй ёки ашуланинг маълум парчасини бошқа ундан ташқари йўллари таркибидаги кўриниш демакдир. Намудлар сони ўндан ортиқ бўлиб, Намудди Уззол (Насри Уззолдан), Намудди Ушшоқ (Насри Ушшоқдан), Намуди Дугоҳ (Дугоҳи Хусайнидек), Намуди Образ (Образи Наводан),

Намуди Сегоҳ (Насри Сегоҳдан), Намуди Баёт (Насри Баётдан), Намуди Мухасри Чоргоҳ, Насри Чоргоҳдан олинганлиги маълум.

Муסיкий тушунча сифатида намуд муайян куй ёки ашула тузилмасининг турли шўъбалар таркибидаги кўринишидир. Улар асосан шўъбанинг бошланиш куй жумлаларидан олинади. Намудларнинг турли кўринишлари шўъбаларининг авжи сифатида ишлатилади.

Намудлар XV-XXII аср муסיқа рисоаларида шарх этилган куй формулалари ва ўша даврдаги бастакорлик анъаналарининг бизгача етиб келган намунасидир. Намудлар илк бор Исҳоқ Ражабов томонидан таснифланиб берилган.

Намудлар кўпинча мақом шўъбаларининг бошланишидаги куй жумлаларидан олдин ва улар бошқа ашулаларнинг авжи сифатида фойдаланилади. Намудлар саккизта бўлиб иккита авждан иборат. Улар Намуди Уззол, Намуди Мухайяри Чоргоҳ, Намуди Ораз, Намуди Нава, Намуди Баёт, Намуди Ушшоқ, Намуди Сегоҳ, Намуди Насруллои деб номланди.

Намудлардан ташқари мақомларда ишлатиладиган маълум ашула қисмлари Зеъбо Пари, Турк деб аталган авжлар ҳам учрайди. Исҳоқ Ражабовнинг ёзишича "Бу авжлар Намуд деб аталсада, унинг функциясини бажаради" деб изоҳлайди. Намудларнинг номланишидан мақомларнинг қайси шўъбасидан олинганлигини билиш мумкин.

Масалан, Намуди мухаяри Чоргоҳ – Насри Чоргоҳдан олинганини кўришимиз мумкин. Зеъбо Пари Сегоҳдан бошқа ҳамма мақомларда ишлатилади ва машхур авжлардан саналади.

Namudi uzzol

The musical score for "Namudi uzzol" is written in 6/4 time and consists of eight staves of music. The notation includes various rhythmic values such as quarter, eighth, and sixteenth notes, as well as rests and slurs. The first staff begins with a whole rest followed by a quarter note, then continues with a series of eighth and quarter notes. The second staff features a mix of quarter and eighth notes with some slurs. The third staff has a prominent slur covering a long phrase of eighth notes. The fourth staff continues with eighth notes and quarter notes, also featuring slurs. The fifth staff includes a section of sixteenth notes and quarter notes, with the instruction "(cholg'u naqorati)" written below the first few notes. The sixth staff contains eighth and quarter notes with slurs. The seventh staff is similar to the sixth, with eighth and quarter notes and slurs. The eighth and final staff concludes with a series of quarter notes and ends with a whole rest.

Namudi navo

The image displays a musical score for the piece "Namudi navo". It consists of six staves of music, all written in a single melodic line using a treble clef. The key signature is one flat (B-flat), and the time signature is 4/4. The notation includes various rhythmic values such as quarter, eighth, and sixteenth notes, as well as rests and slurs. The first staff begins with a 4/4 time signature and a key signature of one flat. The subsequent staves continue the melodic line, with some staves featuring slurs and accents. The piece concludes with a final whole note on the sixth staff.

Namudi bayot

The image displays a musical score for a piece titled "Namudi bayot". The score is written in a single system on seven staves, all using a treble clef. The key signature is one flat (B-flat), and the time signature is 6/4. The music begins with a whole rest on the first staff, followed by a series of notes and rests across the remaining staves. The notation includes various note values such as quarter, eighth, and sixteenth notes, as well as rests and slurs. The piece concludes with a final whole rest on the seventh staff.

Namudi ushshoq



Namudi oraz

Musical score for 'Namudi oraz' in 4/4 time, featuring five staves of music. The key signature has one flat (B-flat). The score includes various musical notations such as notes, rests, and dynamic markings. A specific instruction '(cholg`u naqaroti)' is placed above the third staff.

(cholg`u naqaroti)

Namudi segoh

Musical score for 'Namudi segoh' in 4/4 time, consisting of seven staves of music. The notation includes various rhythmic patterns, rests, and dynamic markings. The fourth staff includes the instruction '(cholg' u naqaroti)'.

(cholg' u naqaroti)

Zebo pari

The musical score for "Zebo pari" is written in 2/4 time and consists of five staves of music. The notation is as follows:

- Staff 1:** Starts with a treble clef and a 2/4 time signature. The first measure contains a quarter rest followed by a quarter note. The rest of the staff contains eighth and sixteenth notes, including a dotted quarter note.
- Staff 2:** Continues the melodic line with eighth and sixteenth notes.
- Staff 3:** Features a quarter rest followed by eighth notes, and ends with a half note.
- Staff 4:** Includes a sharp sign (#) on the first note, followed by eighth and sixteenth notes.
- Staff 5:** Continues with eighth and sixteenth notes, ending with a quarter rest.

Turk avji

The image displays a musical score for the piece "Turk avji". The score is written on seven staves, each beginning with a treble clef and a 6/4 time signature. The music is composed of eighth and sixteenth notes, often beamed together, with some measures containing rests. The piece concludes with a double bar line and repeat dots at the end of the seventh staff.

Мақомларнинг куй тузилмалари лад асослари ва лад тизилмаларининг асосий қисми бўлган намудлар назариясини биринчи бўлиб замонавий мусикашуносларимиздан (1927-1982) Исҳоқ Ражабов ўз изланишларидан исботлаб берди. Исҳоқ Ражабов намудлар масаласига алоҳида тўхталиб ўтганлар. Мақомларни ўрганувчилар учун шўбалардаги намудларнинг номлари, Ю.Ражабий тўплаб нотага олган олти жилдлик “Шашмақом” китобидаги тактлар сони, бетлари кўрсатилган жадвал тузиб чиқди. “Шашмақомдаги” намудлар масаласи ойдинлашмай туриб мақом шўбалари ва умуман бу санъат махоратини англаб олиш анча мушкулдир.

И.Р.Ражабовнинг самарали изланишлари ўлароқ мақомларда 8 та асосий намуд ва 2 та масус авж (авжи турк ва зебопари) борлиғи маълум бўлди, ҳамда уларнинг шўба шаклларда мауйян қўлланиш жихатлари кенг ёритиб берилди. Айтилган шўбаларнинг авж қисмлари мазкур шаклда энг муҳим ва марказий ўрин тутиши, намудлар боис шашмақом тизими эътироф этилди.¹ Ўтмишда устоз шогирд анъаналарига назар солсак, шогирдлар аввал устозлари олдида доира чалиб мақом усуллари, йўллари, ундаги намудларни, авжларни ўрганганлар ва ундан сўнг танбурда чалиб ижро этганлар. Намудлар назариясининг муаллифи Исҳоқ Ражабов томонидан Шашмақом намуналарида нисбатан кўпроқ қўлланилганлиги учун 8та асосий деб белгиланган намудлар қуйидагича;

1. “Уззол” намуди (Бузрук мақомидан)
2. “Ушшоқ намуди” (Рост мақомидан)
3. “Мухаййари Чоргоҳ” намуди (Ироқ мақомидан)
4. “Насруллои” намуди (Бузрук мақомидан)
5. “Наво” намуди (Наво мақомидан)
6. “Ораз” намуди (Наво ёки Дугоҳ)
7. “Дугоҳ” намуди (Дугоҳ мақомидан)
8. “Сегоҳ” намуди (Сегоҳ мақомидан)²

Бу намудларни хар бир мақомнинг ўзига яраша гўзал бир кўриниши демакки бў кўринишлар бошқа мақом йўларини ҳам янада бойитиб, аанада таъсирчан бўлишига хизмат қилади.

“Мақомот доирасида илк кўринишдаги намудлар 20 та; Рост, Ушшоқ, Наврўзи Сабо, Панжгоҳ, Бузрук, Уззол, Насруллои, Наво, Баёт, Орази наво, Ҳусайний наво, Дугоҳю Чоргоҳ, Ораўи Дугоҳ, Дугоҳ Ҳусайний, Сегоҳ, Ажам, Наврўзи Хоро, Ироқ ва Мухайяр.” Юқорида тилга олинган намудларни О.Матёқубовнинг “Мақомот” китобида аётиганидек “даромад намудлари” деб айтса бўлади. Бу намудларнинг кўпчилиги бир шўбадан бошқасига авж вазифасида кўчиб ўтади. Қайси шўбага ўтмасин шу шўбанинг ритмига ва усулига тушурилади.

¹И.Ражабов “Мақомлар” 400 бет.

²Р.Юнусов “Ўзбек халқ мусиқа ижоди” 2 қисм. 39 бет.

Намуди Уззол – Талқини Уззол ёки Уззолнинг даромадидан яъни бошланиш қисмларидан олинган бўлиб, бу қисм бошқа шўбалар таркибида авж қисми бўлиб келади. “Уззол” ўн икки мақом шўбалари таркибида ҳам учрайди. “Уззол” сўзи “пастга сакраш”, “бўшатиш” маъноларини билдиради.

“Уззол” номи куйнинг ички хоссаси билан боғлиқ эканлиги Озарбайжон муғомлари таркибига кирувчи Уззол шўбаси мисолида ҳам ўз исботини топган; мусиқашунос Р.Ю.Юнусов Озарбайжон Уззолнинг куй харакатида асосий таянч пардадан туриб куйга томон оханг сакраши содир бўлишини, ҳамда куй дастлабки пардага қайтиб келишини аниқлаган.³

Намуди Мухайяри Чоргох. “Шашмақомда бундай номдаги шўбалар учрамайди. Шунинг учун Мухайяри Чоргох (Мухайяр-тузатилган, яхшиланган, танлаб олинган маъноларда келади.) Чоргох шўбаларидан танлаб олинган бўлс эхтимол.”⁴ Мухайяри Чоргох намуди авжда бошланишидан аввал намуднинг биринчи бошланиш жумласи куй қилиб чолғуларда чалинади. Бу намуд кенг диапазонли, жозибали ва мақом йўлларида энг кўп қўлланиладиган намуд Мухайяри Чоргох намудининг бошланиш намуди яъни Насри Чоргох ва Талқини Чоргох шўбаларнинг бошланиш жумласи хисобланади. Намуд мустақил лад тузилмаларининг бош белгиси. Унда ладнинг асосий таянч пардаси, сархисоб нуқтаси ҳамда куй харакатининг ўзига хос оҳанглари қарор топади.”⁵ Ҳар бир намуд ўзи кўшилган шўбанинг лад асосида тўғри келиши керак. “Мухайяри Чоргох намудининг лад тузилишининг боши ва охирида ярим парда мавжуд. Демак Чоргох” мухайярни улашда ушбу хусусиятини инобатга олиши зарур.”⁶ Мухайяри Чоргох намуди кўп мақом йўлларига тушадиган намуд хисобланади.

Намуди Наво. Бу намуд Сарахбори Навонинг даромад намудидан олинган, бошқа шўбаларда авж намуди вазифасини бажаради. Намуди Наво Наво мақомидан ташқари Рост ва Сегох мақомларида учрайди. Наво мақомида бу намуд кўпроқ дунаسر ҳолда учрайди ва юқори пардаларда ижро этилади. “Наво намудини устозлардан Ҳожи Абдулазиз, Ота Ғиёс, Домла Ҳалим, Леви Бобохоновлар жуда ҳам зўр ихтиро билан айтадилар ва ўзлари ижро этадиган ашула йўлларида фойдаланишда ҳаракат қилардилар.”⁷

муди Баёт наво мақомининг Баёт шўбаларидан олинган. Баёт шўбалари Ўрта осиенинг турли худудларида кенг тарқалган. “Бастакорлар ва ашула

³И.Ражабов “Мақомлар” 400-бет.

⁴И.Ражабов “Мақомлар” 185-бет.

⁵О.Матёқубов “Мақомот” 141-бет.

⁶О.Матёқубов “Мақомот” 148-бет.

⁷И.Ражабов “Мақомлар” 44-бет.

йўллари таъсирида ашулалар яратганлар. Тўхтасин Жалиловнинг “боғ аро” “Эй кўнгул”, Комилжон Жабборовнинг “Келдик”, “Наззора қил”, Юнус Ражабийнинг “Кошки” каби ашулаларини айтиш мумкин.”⁸ Намуди Баёт бошқа шўбалар таркибида жуда ҳам ўзгарган ҳолда учрайди.

Намуди Ушшоқ. Рост мақомининг ушшоқ шўбаларидан олинган. Бу намуд Бузрук ва Рост мақом йўлларидаги шўбалар таркибида анча кўпроқ учрайди.

Бузрук мақомининг биринчи гуруҳ шўбаларидаги Талқини Уззол, Насри Уззоол ва Талқини Уззолларда Мухайяри Чоргоҳ билан бирга учрайди. Иккинчи гуруҳ шўбаларидан Сафти Сарвинозда бу намуд Турк авжи билан бирга ишлатилади. Рост мақомининг Сараҳбори Рост шўбасида Ушшоқ, Уззол, Сегоҳ ва Мухайяри Чоргоҳ намудлари қўлланилагн. Иккинчи гуруҳ шўбаларида эса Сафти Ушшоқ шўбасида ва унинг (чапандозидан ташқари) шаҳобчаларида Ушшоқ намуди қўлланилган.

Намуди Ораз Наво Нвао ва Дугоҳ мақомларининг Ораз номли шўбаларидан олинган. “Ораз намудини тинглаганда, уни бошқа мақом йўллари таркибидан осон ажратиб олиш мумкин. Чунки Ораз мавзуидаги”

Ашула йўлларида “ёр-ёр”, “ёр-ёрей” дейилган сўзлар ўқиладиган оханглар айтилади.”⁹ Бу намуд Рост, наво, Сегоҳ мақомларида учрайди. Ораз намуди ҳар доим Наво намуди билан орқама кейин келади ва бу намудларнинг бир-бирига уланишида кўл келади. Мақом шўбалари таркибида турли ўзгаришларга учрайдиган Сегоҳ намуди мақомида ва Рост мақомининг Наврўзи Сабо шўбасида учрайди.

“Сегоҳ намуди ўзбек куй ва йўлларида авж сифатида кўплаб фойдаланилагн.”¹⁰

Насруллои намуди Шашмақом ашула бўлимининг фақат битта шўбасида, Наврўзи Хоро шўбасида фойдаланилган. Бу намуд Бузрук мақомининг Насруллои деб номланган шўбасидан олинган.

⁸И.Ражабов “Мақомлар” 45-бет.

⁹И.Ражабов “Мақомлар” 64-бет.

¹⁰И.Ражабов “Мақомлар” 87-бет.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” – таълимнинг сифати ва самарадорлигини оширишда, ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг дунёқараши ва мустақил фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш билан бир қаторда, уларни эстетик, ахлоқий тарбиялаш тизимини шакллантиришда дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Халқимиз мустақилликка эришгач, миллий кадриятларни ўрганиш, асраш ҳамда ёшлар онгига анъаналаримиз ва миллий меросимизни сингдиришда кенг имкониятлар яратилган.

“Куй, оҳанг-инсон руҳидаги илоҳий кайфият ифодаси. Мусикий асарнинг ғояси, тасаввури дастлаб хаёлда пайдо бўлиб, сўнгра ижро туфайли садоланиш йўли билан жойланади, муайян куй шаклига айланади. Таъсирли товуш, оҳанг эшитувчи қалбида из қолдиради, завқ уйғотади ва шу лаззатли ҳолатга қайтадан интилишга даъват этади”,-деб ёзади Отаназар Матёқубов ўзининг “Мақомат” деб номланган китобида.

Мумтоз мусиқа хазинамиз, мақомлар халқимиз ўртасида профессионал ва хаваскор созандалар, мақомчилар ижроларида доимо янграб, устозлардан шогирдларга, асрлардан-асрларга ўтиб, мукаммаллашиб, бойитилиб, бизнинг давримизгача яшаб келди ва халқимизнинг бебаҳо мулкига айланди.

Мақомларимиз Марказий Осиё мусиқа маданиятининг юзага келишида, шаклланишида асосий манба вазифасини ўтайди, десак муболаға бўлмайди. Чунки унинг ноёб оҳанглари, дилкаш наволари ва чуқур мазмунли шеърый матнлари инсон руҳиятига озуқа берувчи манба эканлигининг таъкидлаш мумкин. Мақомчилик санъати ўрта асрлардан яқин ва ўрта шарқ халқларининг мусиқа маданиятига етакчи ўринни эгаллайди. Ўзбек мусиқа санъати халқимизнинг маданияти, руҳияти, ўтмиши ва келажагини қамраб олган. Мумтоз мусиқамизни кенг тарғиб этган бебаҳо санъатимизнинг дарғаларидан бири Тожиддин Муродовдир.

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИНИНГ ИЛМИЙ АҲАМИЯТИ

Битирув малакавий ишда илгари сурилган назарий фикрлар анъанавий хонандалик ижрочилигини мазсмунан бойитади, анъанавий хонандалик ижрочилигида таълим олувчиларнинг ижро маҳоратини шакллантириш самарадорлигини фаоллаштирилади, хонандалик бўйича туркум асарлар ва йўлларидаги ижро услублари воситасида таълим олувчиларнинг ижрочилик маҳоратларини оширишнинг мазмуни ва ўқув-тарбия фаолиятини янада оширади.

Тадқиқотда илгари сурилган илмий-методик тавсиялар эса узлуксиз таълим тизимида анъанавий хонандалик мазмунига доир методик манба сифатида хизмат қилади. Шунингдек, ушбу соҳада дастур, дарслик, методик қўлланмалар яратишда, узлуксиз таълим тизимида анъанавий хонандаликни ривожлантиришда, ўқувчи-ёшларни мақом ижрочилиги бўйича маҳоратини оширишда, ўқувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари да маърузалар ўқишда фойдаланиш мумкин.

Ҳозирги кунда анъанавий мусиқа ижрочилиги соҳасига назар ташласак, нақадар серқирра, сержилова борган сари сайқал топаётганига гувоҳ бўламиз. Ана шундай анъанани давом эттириш учун ҳозирги авлод ёшларимиз, ижрочи бўлишлари билан биргаликда, келгусида ўқитувчи, яъни билимдон устоз сифатидакамолга етишишлари лозим. Бундай мутахассисларнинг етишиб чиқишлари келажак авлодларга анъанавий мусиқа меросимиз янада сайқал топган ҳолда сингиб боришида муҳим аҳамият касб этади.

Ижрочилик сифатининг яхшиланиши, замонавий шинавандаларнинг таъбига мос айтиш услубларининг излаб топилишиэса мақомлардан куй манбаи сифатида ижодий фойдаланиш доирасининг кенгайишига сабаб бўлади.

ИЛОВА

Устоз санъаткор Тожиддин Муродовнинг Ўзбекистон Телерадиокомпанияси
“Олтин фонди” да сақланаётган кўшиқлари

Т/Р №	Ашула номи	Бастакорнинг исми-шарифи	Матн муаллифи
1.	Ғамзасин севдинг кўнгил...	Р.Турсунов	Фузулий ғазали
2.	Жононасан	Р.Турсунов	Усмон Жонгитов
3.	Интизор дил	Р.Турсунов	Нормурод Нарзуллаев
4.	Саодат бу	Р.Турсунов	Восит Саъдулла
5.	Таҳсин Сизга	К.Отаниёзов	Акмал Пўлат
6.	Изламасанг	Т.Муродов	Пўлат Мўмин
7.	Қашқадарёмсан	Т.Муродов	Нормурод Нарзуллаев
8.	Бўлмаса	Т.Муродов	Акмал Пўлат
9.	Агар сендан	Р.Турсунов	Самад Вурғун
10.	Гулузорим	А.Абдурасулов	А.Навоий
11.	Эй, сабо	Д.Зокиров	А.Навоий
12.	Тошкент ироғи	Халқ куйи	Мискин
13.	Муножот	Халқ куйи	А.Навоий
14.	Насруллойти	Халқ куйи	А.Навоий
15.	Феруз 1	Халқ куйи	Огаҳий
16.	Феруз 2	Халқ куйи	Огаҳий

17.	Гиря	Халк куйи	Завкий
-----	------	-----------	--------

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т-Ўз 1998-686 б.
2. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз
.Асарлар:7-жилд Т.Ўзб 1999-413 б.
3. Каримов И.А. XXII асрга интилоқда. Т. Ўзб 1999-486
4. Каримов И.А. Баркамол авлод –Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори,
Баркамол авлод орзуси. Т-Шарқ,1999-54-55б.
5. Ю.Ражабий Муסיқа меросимизга бир назар. Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашрети,Т.1978
6. И.Ражабов “Мақомлар санъат нашрети” Т.2006
7. Шашмақом сабоқлари мақола ва маърузалар тўплами. Т.2005
8. Эзгуликка чорлаган наво. Фан нашрети 2007
9. ”Ўзбекнаво” Устозлар, Юлдузлар, Шогирдлар. Чўлпон нашрети 1996
10. “Бир дарахтнинг икки новдаси” Тожиддин Муродов ҳақида хотиралар
Шарқ нашрети Т. 2004
11. Қашқадарёмсан. Шарқ нашрети 2016-йил.